

Шаҳар аҳолига сарта-рошлик хизмати курсатувчи «АОО-Дилором» тижорат ишлаб чиқариш хусусий фирмаси асосий фаолияти билан бир қаторда ҳомийлик тадбирларида ҳам иштирок этапти.

Фирма томонидан турли хилдаги хайрия хизмати курсатишга мулжалланган «Гамхурлик» дастури ишлаб чиқилган. Масалан, унга кура Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманларидаги сартарошхоналарда 40 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар яшаётган хонадонга бориб бепул соч-соқ олиналди. Шу тариқа Ибн Сино даҳасидаги 68-сартарошхонада черибирилларга ҳам беминнат хизмат курсатилляпти.

Бундай гамхурликдан бир пайтлар «Дилором»да ишлаб кетган меҳнат фахрийлари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Уларга нафақадан ташқари ҳар ойда қўшимча 100 сум туланмоқда, кўп болали ва ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам курсатилмоқда. Дам олиш уйлари, санато-

ра учун ҳақ тўлаш фоизи, коммунал хизматларга кетадиган сарф-харажатларни камайтириш, пардозхоналарда усталар ва мижозларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Шу пайтгача 35 та сартарошхона қайта таъмирланди, 65 тасига сув ўлчагичлар қўйилди. Сартарошхоналарни зарур хом ашё ва материаллар, замонавий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи тезкорлик билан ҳал этиляпти. Шу кунларда фирма қошида нафақат ўз усталаримиз, балки республикадаги барча сартарошхоналарга хом ашё реализация қилиш бўйича дукон ишга туширилди. Бу ердан шунингдек арзон нархларда технологик жиҳозлар, анжоллар, қурилиш материаллари, ёрдамчи материаллар ҳам сотиб олиш мумкин.

Шуни ҳам қувонч билан таъкидлаш лозимки, Германиянинг «АГ ВЕЛЛА» фирмаси билан косметик препаратлар, сартарошлик жиҳозлари етказиб бериш ҳамда қўшма фирмали пардозхоналар очиб юзасидан шартнома имзоланди.

Мулкни — ҳақиқий эгасига

«ДИЛОРОМ» УЗОҚНИ КЎЗЛАЯПТИ

рийлар, профилактика-рийларда дам олиш, болаларни оромгоҳларга юбориш учун йўлланмалар берилмоқда.

— Бундай имкониятлар шу йилнинг март ойида мулкнинг турли шаклларидаги 70 та сартарошхоналарни бирлаштириб, «АОО — Дилором» фирмасини ташкил этганимиздан сўнг юзага келди, — дейди Фирманинг директори А.Абдураҳмонов. — Янги тизимнинг вуқудга келиши барча сартарошхоналар ишини мувофиқлаштириш, уларга моддий-техника ва молиявий жиҳатдан ёрдам бериш, атир-упа ва бошқа керакли маҳсулотлар билан таъминлаш, хоналарни таъмирлаш, мебеллар келтириш, чет эл фирмалари билан алоқа урнатиш каби кўплаб қўлайликлардан фойдаланишимизга имконият яратиб берди. Бундай ўзгаришлар эса маиший хизмат ҳодимларига куч-қувват бағишлайди, хизматлар турини кўпайтиради, уларнинг таннарихини пасайтиради.

Бугунги кунда фаолиятимизга дастлабки якун ясаб, шуни қувонч билан таъкидлаш мумкин: Фирманинг ташкил этилиши, шаҳарда сервис хизмати-нинг шаклланиши, сартарошлар ишининг яхшилан-нишига олиб келди.

Меҳнат жамоаларимиздаги вазиятга баҳо берадиган бўлсак ижодий фаоллик, умумий натижага масъуллиқ ортганини кўрамиз. Кейинги қисқа вақтнинг ўзида усталари-миз унга яқин янги турмаклар ва соч олиш техноло-гиясини ўзлаштиришди, мижозларнинг хонадонла-рига, корхоналар, ташки-лот ва муассасаларга дам олиш кўнлари ва байрам-ларда бориб хизмат кур-сатишни йўлга қўйдилар. Улар яхши даромад олиш учун аҳолига кўпроқ хиз-мат курсатиш, харажатлар-ни камайтириш, майдон-лар, жиҳозлар, асбоб-ус-куналардан самаралар фойдаланиш кераклигини яхши билишади.

Ўз навбатида фирма хизматлар таннарих, ижа-

Тошкентдаги «Лола» фир-маси билан ҳамкорлик ҳам яхши натижа берапти. Бу жамоа бизга чекланмаган миқдорда косметик маҳсу-лотлар етказиб бермоқда.

Мулкчиликнинг янги шаклига утилган аҳоли учун зарур бўлган хизмат турларини ташкил этиш имконини берди. Жумла-дан, соатларни созлаш бўйича иккита, пойабзал-ларни таъмирлашга мул-жалланган иккита устакхона очилди.

Оқибатда фирма бирин-чи ярим йилликда яхши фаолият курсатди. Олинган фойда кескин ошди: ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир ярим бараварга кўпайди. Бинобарин, усталарнинг маоши ҳам сезиларли да-ражада яхшиланди. Олин-ган даромаднинг аксария-ти қисми ижтимоий зарурат-ларни қондиришга йўнал-тирилмоқда.

Бизнинг ишимизда ҳам-маси кўнгилдагидек кетаяп-ти, ҳеч қандай ўзилишлар, қийинчиликлар, келишмов-чиликлар бўлмапти, деб айтолмайман. Ургана-я-миз, изланаяпмиз, хатолар-ни туғрилаяпмиз. Фирма-нинг келгуси режалари ту-рисида тўхталадиган бўл-сам катта ўзгаришлар бў-лиши кўтилмоқда. Пойтах-тимиз марказида ёшлар учун супер-салон, махсус болалар салони ва турмак-лар театри очилиш кўзлаб турибмиз. Бу ерда биз тошкентликлар ва пойтах-тимиз меҳмонлари учун энг намунали ишларимизни курсатиш имкониятига эга бўламиз.

Айни пайтда фирма шу йилнинг сентябрь ойида Тошкентда утадиган Мар-казий Осиё ва Қозоғистон республикалари сартарош-ларининг «Қирқ қоқил» ҳал-қаро танловига қизгин тайёргарлик курмоқда. Лутфулла Носиров, Акмал Йўлдошев, Галина Верши-нина, Надежда Битюцкая каби кули гул усталари-мизнинг баракали меҳнати ва маҳорати ушбу тadbирда фахрли уринларни кўлга киритишимизга омил бўла-ди, деб уйлайман.

Аҳат МИНГУЛОВ.

Шаҳар — қишлоққа

«ПАЗИЗОД»НИНГ ЯНГИ ШОХОБЧАСИ

Бугунги кунда саноатни қишлоққа олиб кириш энг муҳим вазифалардан бири-дир. Бунга яхши тушунган пойтахтдаги «Пазизоод» иш-лаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти республика-мизнинг бир нечта қишлоқ-ларида ўз шохобчаларини ишга туширишга ҳаракат қилмоқда. Шулардан бири Чорвоқ сув омбори соҳил-ларида жойлашган аҳоли-си энг Сижжақ қишлоғида очилди.

Айни пайтда бу ерга олиб келинган юқори самарали тикувчилик дастгоҳ ва уску-налари ўрнатилиб бўлинди. Бу дастгоҳлар болалар ва аёлларнинг ёзги кийимлари-ни тикишга мулжалланган-дир. Шунингдек корхона шохобчада кузги-қишки мавсумга мулжалланган кийим-кечаларни тикишни ҳам режалаштирмоқда. Бу-нинг учун бирлашма қиш-лоққа керакли материал-ларни жўнатишга тайёрлаб

қўйди. Бир сўз билан айт-ганда бу кичик цех тўла қувват билан ишлагандан кейин Бўстонлиқ тумани-да истикомат қилувчи юз-га яқин кишини иш билан таъминлаш имкони яра-тилди.

Корхона қишлоқ атро-фида ишчи ва хизматчи-ларга аталган дам олиш масканини ҳам барпо этишни режалаштирмоқда.

Гани ЕСЕНОВ.



ЧИННИДАГИ ЮРТ ЖИПОСИ

Тошкент чинни заводи-да чиқарилаётган сержилло, жарангдор чинни буюмлар хорижий мамлакатларда ҳам жуда қадрланади.

— Чунки, — дейди корхо-на бадий лабораторияси-нинг етакчи мусаввири Аб-бос Воҳобов, — чинни буюмларимизда юртимиз табиатининг ўзига хос таровати, гузал миллий нақшларимиз акс этган. Мана шу жиҳатлари билан ўзбек чинниси жаҳонда энг машҳур ҳисобланган хитой ва немис чинни буюмлари қаторида ҳам алоҳида бе-қийёсдир. Юртимизга меҳ-мон бўлиб келаятган ҳар қандай хорижий сайёҳ ҳам бизнинг бетакрор чинни идишларимиздан харид қи-лишни орзу қилади. Ахир унда бутун Ўзбекистони-миз гузаллиги мужассам-да.

Ҳа, ҳозирги кунда ҳам корхонада чиқарилаётган маҳсулотлар довруғини янада ошириш учун тинмай изланиш олиб боришмоқ-да. Юртимизга ташриф

буюрган юксак даражали меҳмонларга Тошкент чин-ни заводида тайёрланган, соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур су-ратлари туширилган лаган-лар, гулдонлар ҳаёда этили-ши албатта унутилмас эс-далик бўлади.

— Бадий лаборатория — корхонамизнинг «юрти» ҳи-собланади, — дейди лабо-ратория мудири Равша-ной опа Мавлонова. — Мус-тақиллигимизнинг янги тур-кум нақшлари гулдасини тайёрлаяпмиз. Моҳир рас-сом-наққошларимиз Васи-ла Тожиқонова, Машҳура Иб-роҳимова, Мукамбар Толи-пова, Тамилла Рихсиевалар ижод этган «Олтин сана»,

«Маҳлиё», «Куз дастаси», «Мовий атиргул» номли янги чинни идишлар түп-ламлари улуг айёмга му-носиб тўхфа бўлади. Рас-сом Анвар Нигмонов иш-лаган «Тонг» миллий сер-вис термаси Европадаги кўпгина кўргазмаларда юқори баҳолалиб, олтин медалга сазовор бўлган эди. Юқорида айтилган ян-ги нақшли чинни буюмла-римиз ҳам корхонамиз маҳсулотларининг анъана-вий муваффақиятларини давом эттиради, деб ишо-намиз.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

СУРАТЛАРДА: чинни-созлар
фаолиятдан лавҳалар.



Маълумки, шаҳар ҳокимининг мах-сус қарори билан ҳамма туманларда маҳалла оқсоқолларининг билimleri, савияси, маънавий қамолоти синовдан ўтказилди. Бошқа жойларда бўлгани-дек, Ҳамза туманида ҳам бу ишга масъулият билан ёндошилди. Туман ҳокимининг уринбосари, «Маҳалла»-хайрия жамғармасининг туман бўли-маси бошқаруви раиси Б.Садриди-нов бошчилигида жамоат ташкилотла-рининг вакилларида иборат тузилган комиссия маҳалла оқсоқоллари билан суҳбат ўтказди. Аттестация комиссия-нинг ҳулосасига кура яна бир бор маҳалла оқсоқолларини синовдан ўт-

казиш мақсадида бир кунлик семи-нар-кенгаш ташкил қилинди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раёсатининг аъзоси, та-

ўзини бошқариш органлари туғриси-даги Қонун улар учун энг муҳим ҳуқу-қий ҳужжат эканлигини, ҳар кунлик фаолиятда унга амал қилиш керакли-

Ҳозир аъло даражада йўлга қўйилган коммуника-ция алоқаларисиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб урин олиш қийин. Ғарбий Германиянинг машҳур «Сименс» корпорацияси «Сименс Никсдорф» фирмасининг Ўзбекистонда ваколатхона-сининг очилиши ҳам муста-қил давлатимизни замона-вий алоқа воситалари билан таъминлашда муҳим урин тутмоқда.

— Ўзбекистон билан ҳам-корликда фаолият курсатиб ажойиб натижаларга эриши-шимиз мумкин, — дейди «Сименс Никсдорф» фир-масининг маҳсулотларини тар-қатиш бўйича директор уринбосари жаноб Ян Хенд-рик Бухман. — Зеро тинч-

Ўзбекистон ва
жаҳон

«СИМЕНС НИКСДОРФ» ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

тотув яшаётган мамлакатин-гизнинг эркин бозор муно-сабатлари сари дадил ва салмоқли одимлар билан ки-риб бораётганини қўриб ту-рибмиз. Ўз навбатида шуни эслатиб ўтиш жоизки, биз фақатгина маҳсулотларни тақлиф этибгина қолмай, балки маслаҳат беришдан тортиб сервис хизмати кур-сатишгача бўлган фаолият қўламларини амалга ошира-миз.

Дарҳақиқат, жаҳон ахборот технологиялари соҳа-сида фаолият курсатаятган уш-бу фирма хусусида тўхталар эканмиз, ўтган йилги пул айланмаси 12 миллиард марка бўлган ва таркибида 38 минг ҳодим меҳнат қи-лаётган «Сименс Никсдорф»нинг компьютерларни сотиш бўйича Германияда биринчи уринга чиқиб олган, иш услублари эса ше-риклар билан ўзвий ҳамкор-ликда янги маҳсулот турла-рини ишлаб чиқиш, чиқариш ва сотишдан иборатлигини тилга олмай илож йўқ.

Ўзбекистондаги фирмалар раҳбарлари иштироки-да яқинда ўтказилган семи-нар-учрашувда ҳам «Сименс Никсдорф» мутахассислари қандай шаклда ўзбекистон-лик шериклар билан ҳамкор-лик қилиш қўлай бўлса бун-га тайёр эканликларини бил-дириб, фақатгина ўзоқ муд-датли ҳамкорлик яхши нати-жаларга олиб келишини таъкидлаб ўтдилар. Ҳозир Ўзбекистон ва «Сименс Ни-ксдорф» уртасида бир не-чта шартномаларни имзолаш борасида тайёргарлик кет-моқда. Уйлаймизки, «Симе-нс Никсдорф»дек нуфузли фирмалар билан ҳамкорлик алоқалари яқин келажада албатта ўзининг самарала-рини беради ва Ўзбекистон Осиёнинг технологик мар-казларидан бирига айлана-ди.

Даврон НУРМАТОВ.

Дехқон бозорлари
қурилишларида

БИРИНЧИ НАВБАТИ — БАЙРАМГАЧА

Бундан бир неча йил олдинги Сергелини бугунгисига ўхшатиб бўлмайди. Айниқса янги пайдо бўлган 5-ва 6-дахаларда ўзгариш катта. Бу жойларда қисқа муд-дат ичида қатор тўққиз қаватли бинолар қурилдики, ҳозир уларда юзлаб ҳамшаҳарларимиз истикомат қи-лишяпти. Бир сўз билан айтганда, қурилишлар майдон-ни тобора шаҳар томон яқинлашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Жанубий вокзалдан ўтиб Ҳалқа йўл орқали Сергели йўналишига чиқишингиз билан дарҳол кузин-гиз юксакликка бўй чўзаятган биноларга ва улар усти-да ҳартумини осилтириб турган минорали қанларга тушади. Бу бунёдкорлик ишлари орасида биттаси ало-ҳида ажралиб туради. У ҳам бўлса Сергелининг янги бозори қурилишидир.

Туманинг 5-6-дахалари оралиғида қад кўтарган бу бозорнинг биринчи навбати ниҳоясига етмоқда. У Мус-тақиллигимизнинг тўрт йиллиги арафасида фойдала-нишга топширилади. Ҳозир бу ерда «Тошкентсаноат-қурилиш» трестининг 2-ва 65-қурилиш бошқармала-ри бунёдкорлари тер тукишмоқда. Улардан ташқари ушбу участкада ҳоразмлик, қашқадарёлик ва чирчиқ-лик қўли гул усталар меҳнат қилишяпти. Уларнинг со-ни бугунги кунда 150 кишини ташкил этади.

— Белгиланган муддат тобора яқинлашиб келаяпти, шунинг учун суръатни қўлдан бой бермай ишлаяпмиз, — дейди бизга қурилиш бош устаси Алишер Абдука-римов, — Қурувчиларимиз мунтазам икки сменда ишлашмоқда. Уларнинг мақсади ўз вазифасини аъло даражада адо этиб, байрамни шоду хуррамлик билан қўтиб олиш.

Умумий майдони 4-5 гектарни эгаллаган бу участ-када олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини бир зум четдан кузатдик. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Бўш турган бирон кишини кўрмайсиз. Биров гишт терап-ти, бошқа бир киши эса пардозлаш билан машғул. Кимдир бетон қорган, яна бир бошқаси эса уни мах-сус аравачаларда керакли жойларга етказиб бера-пти. Диққатимизни оқ гиштлардан жило бериб бозор дарвозаси тўсинларини кўтараятган усталар тортиди. Уларга яқинлашиб, суҳбатлашдик.

— Биз Ҳоразмдан келганмиз, — дейишди улар. — Қарангки зиммамизга бозор қурилишидек масъулият-ли вазифа топширилди. Кўпчилик учун хизмат қила-диган бундай иншоот қурилишида қатнашаётганимиздан бахтиёрмиз. Шу уринда бизга қўлай шароитларни яра-тиб берган туман ҳокимлиги ва бозор маъмуриятига ҳам бениҳоя миннатдорчилигимизни айтиб қўйишимиз жоиз.

Қарши ва Чирчиқдан келган қурувчиларнинг бажа-раётган юмушлари билан қизиқдик. Бунёдкорлар пар-дозлаш ва бозор устунларини тиклаш ишларини ба-жаришяётган экан. Улар ҳам шундай масъулиятли қу-рилишда қатнашаётганликларидан бахтиёр эканликлари-ни билдиришди.

Бунёдкорлик ишларини бир маромда олиб бориш, йўл-йўлакай пайдо бўлган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, қурилишни зарурий материаллар билан ўз-луксиз таъминлаш мақсадида ҳар кун икки маҳал — тушки ва кечки пайтлари режалаштириш ўтказилади. Унда барча қурувчилардан тортиб, усталаргача, қури-лиш мутасаддиларию туман ҳокимлик вакиллари-гача қатнашадилар. Ҳар пайшанба кунги режалаштиришда эса албатта туман ҳокими Мидҳад Йўлдошев қатна-шиб, қурувчиларга йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бера-ди.

Бозорнинг иккинчи навбати қурилиши асосан Мус-тақиллик байрамидан кейин бошланади. Унда ҳам кенг қўламли юмушлар бажарилиши режалаштирил-ганки, уларни бир оғиз сўз билан ифодалаш қийин. Бу навбатда биринчисига мутаносиб равишда иккинчи раста тикланади. Унинг атрофида турли савдо дукон-лари қурилади. Карвонсарой, супермаркет дукони, чойхона ва ошхоналар қад кўтараяди.

Қисқаси яна бироздан сўнг сергелиликлар ўзлари-нинг кенг ва қўрак 850 уринли бозорларига эга бўла-дилар. У қўраклашиб бораётган туман хуснига янада ҳусн қушади.

Мақсуд ОРИПОВ.

Маҳалла - жамият таянчи

ОҚСОҚОЛЛАР ЎҚУВИ

рих фанлари номзоди, доцент Нейматжон Ҳасанов семинар-кен-гашда оқсоқолнинг маънави ва нуфу-зи хусусида, ваколати ва вазифала-рига тўхталиб «Фуқароларнинг ўз-

и хусусида гапирди. Маҳалла оқсо-қоллари ўз тажрибалари билан урток-лашдилар. Туман молия бўлимининг бошлиғи кам таъминланган оилалар-га моддий ёрдам тайинлаш билан бог-

лиқ бўлган масалалар хусусида тўхта-либ, оқсоқоллардан тушган саволлар-га жавоб берди.

Сунгра Ўзбекистон Халқ демократик

партияси туман кенгашининг иккинчи ко-тиби Абдуманнон Раҳимов маҳаллалар-да тузилган бошланғич партия ташкилот-ларининг роли хусусида оқсоқоллар билан фикр алмашди. Семинар-кенгаш сун-

гда маҳалла бошқарувида оид маса-лаларни ўз ичига олган 9 та савол қўйилиб, уларнинг ҳар бирига ўчта-дан жавоб ёзилиши лозим бўлган ту-зилган тест-анкета ҳар бир оқсоқолга тарқатилди. Синовлардан ҳулоса чи-қарган туман ҳокимлиги яқин вақт ичи-да махсус мавзу асосида бир ҳафта-лик маҳалла оқсоқоллари ва котибала-рининг ҳамда маслаҳатчиларнинг ўқув семинарини ташкил қилиш, илгор ма-ҳаллаларда бўлиб, уларнинг иш таж-рибаларини умумлаштириб услубий тўплам чиқаришни мулжаллаб қўйди.

Нурмат ХУСНИДДИНОВ.

«Тоштўқимачи» ҳисса-дорлик жамиятининг пардозлаш фабрикаси ишчилари Фарида Тош-манова ҳамда Галина Ки-чевалар бир дастгоҳда меҳнат қилишади. Улар кунига 30-35 минг метр матога ишлов беришади.

СУРАТДА: Фарида Тошманова ва Галина Кичевалар ўз вазифала-рини бажаришмоқда.

Рустам Шарипов
олган сурат.



Пойтахтнинг Хувайдо ма-ҳалласида меҳнаткашларни ижтимоий ғимоя этиш маса-лалари бўйича учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни Тошкент ша-ҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ғимоя қилиш бош бошқарма-си бошлиғи Собир Саидқари-мов очди. У ҳозирги бозор иқ-тисодиёти шароитида пойтах-тдаги ишсизларни иш билан таъминлаш борасида қили-наётган ишлар билан таниш-тирди.

— Бош бошқармамиз, — де-ди у, — ҳар ойда шаҳар бўйича «Бўш иш жой ва вакант урин-лар» курғазмасини ўтказаяпти. Унда иш излаб юрган киши нафақат шаҳримиз, балки бу-тун республикамиз бўйлаб бўш иш жойлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади. Бундан ташқари пойтахтнинг 11 та туманида галма-гал яр-маркалар ўтказилиб турибди.

Ундан кейин бошқарма му-тасаддилари иш билан банд

лик бўйича маҳалла аҳолини қи-зиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Суҳбат чоғида Хувайдо ма-ҳалласи оқсоқоли Олим Нурма-тов маҳаллада қилинаётган иш-лар ҳақида гапирди.

Иш билан бандлик

ХУВАЙДОДА УЧРАШУВ

— Жумладан, — деди у, — яқин-да маҳаллада кичик корхона очилиб, 30 киши иш билан таъминланди. Унда аҳолининг буюртмасига қараб мебел иш-лаб чиқаришмоқда ва эскилар қайта таъмирланмоқда. Маҳал-ламизнинг кам таъминланган оилалари эса Президентимиз фармони-га асосан ердан пули олишяпти. Бир сўз билан айт-

ганда маҳаллада истикомат қи-лаётганларнинг тўртдан бирига шундай ёрдам курсатилаяпти. Ҳар хил байрамларда қамнда 80-90 та кам таъминланган ои-лаларга совғалар тарқатилади.

Учрашувда бош бошқарма қо-шида ташкил этилган ўқув мар-казини битирган бир ғуруҳ ўқув-чилар ҳам қатнашди. Улар ўқув марказида ишсизлар учун яра-тилаётган шарт-шароитлар ҳа-қида гапирдилар. Марказни би-тириб чиққан Римма Йомонова жумладан шундай деди.

— Мен қўлимда ҳунарим бўл-маган ҳолда ўзим яшаб турган

туман бандлик хизмати идора-сига мурожаат қилган эдим. У ердангилар менга мазкур ўқув масканда ўқишимни маслаҳат беришди. Натижада машини-ст-стенографист мутахассисли-гини эгалладим. Айни пайтда шу мутахассислигим бўйича «Равшан» ҳиссадорлик жамия-тида ишлаб келмоқдам. Менга йўл куратиб, ҳунар эгаллатиб, ишга жойлаб қўйган бандлик хизмати мутасаддилари-га катта миннатдорчилигим-ни билдираман.

Йилгиланларда Ўзбекистон халқ артисти Фахриддин Умар-ов, Турсунбой Ҳусанов ва бошқа ҳушовоз хонандалар-нинг айтган қўшиқлари катта таассурот қолдириди.

Баш бошқарма қошидаги ўқув маркази талабалари эса ўзлари ишлаб чиқарган саноат маҳсулотлари курғазмасини ташкил қилишди.

Ғулом ЮСУПОВ.

Муҳтарам газетхонларимиз «Сен етим эмассан» фильмининг жуда яхши билишида. Фильм урушнинг суронли йилларида 14 нарасидани бағрига олган Шоҳмад ота ва Баҳри ая ҳақида ҳикоя қилади.

Агар ёдингизда бўлса, фильм сун-гиди уларнинг фарзанди Ботир ноғи-рон бўлиб, қўлтиқтаёқда, немис бола-ни етаклаб келади. Ушбу ролни маҳор-рат билан ижро этган Наримон Латипов озгина, 30 йиллик умрини санъат-га бағишлаган ижодкор. Кинода бор-йўғи 9 та роль ўйнади. Ҳинд, араб, рус ва бошқа тиллардаги фильмларни ўзбек тилига ўғиратишда катнашди. Му-қимий ҳамда Ҳамза номидаги театр-ларда аввал раққос, сўнгра режиссёр ёрдамчиси, актёр сифатида ижод эт-ди.

Актёрлик яхши-да: инсонни ҳаёт-лик чоғида кино тасмасига муҳрлаб қўйишди. Наримон Латипов экранда ўйнаган 9 та ролларини кўрдим. Икки сингиллари Валида опа ва Гулнора опа, рафиқалари Бэла опа билан узоқ суҳбатлашдим, суратларини кўрдим. Мени айниқса Наримон Латиповнинг кундалиги ҳаяжонга солди. У киши асли тошкентлик. Лекин Фаргона во-дйисига тез-тез бориб турган.

«...Эрталаб Фаргонага кетдик. Мен, Арсен, Э. Аҳмедов, Садриева.

«Номалум» номли спектаклни кўр-дик. Спектакль менга маъқул бўлди.

14.07.93 й. (кундаликдан)»

Наримон ака санъатни, адабиётни севган. Онажони — Зулмаюл ая кузи-нинг оқу қораси яккаю ягона ўғли, саккиз сингилларининг меҳрибон ака-си бўлган. Яна сочларини оқшомлари майин шаббодаси билан аста ўйнаб тўзган, хавлларини қаерларгадир олиб қочган, гоҳо сокин, гоҳида олов бўлиб, тизгин бермас сув бўйларига сайр қилишга, кўнч, ташвиш, ички кечинмаларини тулқинлар қўйнида биллур томчилар билан сирлашишга ошурга бўлган.

Н. Латиповнинг суратларининг ҳар

бирини қўлимга олганимда турли хо-лат, турли кийимдаги уша-уша уткир нигоҳ, жиддий қиёфа, уйчан, умидли, ҳаётга ташна кўзлар, турмушнинг пас-ту баландликлари билинар-билинмас чизик ташлаган нурли «чехрага узоқ» тикиламан. Наримон ака нимадир де-моқчи... Мана қўлимда — «Улғубек юлдузи» фильмидаги Улғубекнинг ўг-

Киши эҳтимол умрининг ўткинчили-гини англаб, утган кунлари, ҳаётининг хотираси учун кундалик тутар. Не бул-са-да охори тўқилиб-тўқилмаган фикр-лар бутунлигидан кўз унгимизда кунда-лик эгасининг икки дунёси, ташқи қиё-фаси гавдаланади. Бу кундаликни ўқиб, Н. Латиповнинг олижаноб, аҳойиб ин-сон эканлиги, истеъдодли санъаткор-

Ўзбек киносининг 70 йиллигига

ЯРАТГАН СИЙМОЛАРИДА БАРҲАЁТ



ли Абдуллатифа берган синов сурат-лари...

Кундаликдан: «Репетициядан сту-дияга бордим. «Она Хиндистон» фильмининг II қисми дубляж қилинган. Павильонда бўлдим. У ерда «Улғубек юлдузи» фильмига синов бўла-пти. Кайфиятим ёмон. Ролда ўйнашга умидим сунаяпти. Ҳаяжонланаётган. «Гамлет» спектакли бўлди. 12.09.63 й.

лигига яна бир бор ишонч ҳосил қи-лдим.

Наримон аканинг кундаликларидаги ушбу ёзувларидан рафиқалари Бэла опага бўлган муносабатларини изоҳ-сиз англаш мумкин.

«...Бэла жуда яхши қиз. Уни севиб қолдим, шекилли. Лекин ҳеч ҳис-ҳая-жонини тушунтириб бера олмаётган. Севгининг ўзи нима? Уни жуда ҳурмат

қилсанг-у, узи ҳаётининг тасаввур ҳам қила олмасанг. Шу бўлса керак-да се-вги!

Ўзимга ўзим ваъда қиламан. Уни умр буйи севаман. Ким мени севса, ҳурмат қилса мен уни икки баравар кўпроқ севаман, эъозлайман. Рафиқамга умр-бод садоқатли бўламан. Қасам ича-ман».

— Бэла опа, инсон кимни ўзига яқин олса, ишонса, режаларини, орзу-ис-так, армонларини шу инсон билан фикрлашди. Шундай эмасми?

— Мен Наримон ака ролларининг биринчи томошабини эдим. Билдирган фикру мулоҳазаларимни диққат билан тинглардилар. «Ер фарзанди» фильми-ни суратга олишганда мени, қизларимиз Лола ва Севараларни бирга олиб боргандилар. Камчиликларим бўл-са айтасан деб. Фильмдаги бойнинг ўғли Азиз ролини Наримон ака ижро этганлар. Менинг назаримда Наримон ака қаергадир фильмга суратга тушиш-га кетганлар. Бугун-эрта уйга кириб келадигандеклар. Тушларимда кўп ку-раман. Мендан қочадилар... Ё менга кўриниб бериб, қаергадир беркиниб оладилар...

Рўҳи пок инсонлар мангуликка даҳ-дор буладилар.

Табиатнинг сирли жумбоғини қа-ранг-а? Наримон ака моҳир сузувчи бўлганлар. Уша кун, яъни 1965 йил-ни сентябрида сув бўйлаб юриб, икки инсоннинг ҳаёти деб, уларни сувнинг домидан халос этиб, узлари қўрбон булдилар.


Эҳтимол, Наримон ака уларнинг умр-ларини Аллоҳдан ўз жонлари эвазига сураб бергандилар.

Вақтлар, даврлар утаверади. Наримон Латипов ўзи яратган сиймоларда барҳаёт. Наримон ака бот-бот орадан шунча вақт утса-да хонадонларимизга гоҳ Мурод («Қалбигада кўш» бадий фильми), гоҳо Содиқ («Виждон амри билан»), гоҳида Ботир бўлиб («Сен етим эмассан») ташриф буроварадилар. Махлуе МИРСОАТОВА.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

SARATON

SIGARETLAR



ҲАКИҚИЙ ШАРҚОНА ЛАЗЗАТ.

**ПСИХОТРОНИКА МАКТАБИ
БАРЧА ХОҲЛОВЧИЛАРНИ
СЕМИЗЛИКДАН ОЗИШНИНГ ЯНГИЧА
УСПУБИГА ТАҚИФ ЭТАМИЗ.**

Организмни кодлаш, яъни-ишонтириш, гипноз, талаб бўлса— игна санчиш усулларини қўллаб, танани ортиқча семизликдан қутулишига маж-бурлашдан иборат.

**Муолажалар 12 августдан 16 августгача
фақат тўрт кун соат 11.00 ва 17.00 да Те-
мирийўлчилар маданият саройида ўтказила-
ди.**

**Манзилгоҳимиз: «Тошкент» метро бекатидаги
олдиндан билет сотиш кассаларининг қарама-
қаршисида жойлашган.**

Телефонлар: 44-17-50, 79-56-61, 55-94-67.

ТАШКИЛОТ
Тошкент шаҳридаги
омбордан
«BA3-2101» ва 2111" авто-
машиналарининг қанотларини
(оригинал, тула кондицияли,
қора грунтөөкада)

СОТАДИ
Ҳақ тўлаш усули—турлича.
**Телефонлар: 48-55-06;
48-34-48.**

Яккасарой туманидаги
«Дарё» уқув-ишлаб чиқа-
риш фирмаси

ТУГАТИЛАДИ
Даёволар эълон чиққан
кундан бошлаб бир ой мо-
байнида 50-40-83 рақамли
телефон буйича қабул қили-
нади.

ҚАЙЛАТМИЗ!

Собир Раҳимов тумани
1-Тансиқбоев даҳаси 12-
уй, 12-хонадонда яшовчи
Асил Хусанович Мансу-
ровни таваллуд кунлари
билан дўстлари Барот Ҳол-
мухамедов, Абдулла Аҳ-
мадиллаҳонов, Ҳамидул-
ла Рихсиев, Дилмурод Об-
лаевлар табриклайдилар.

Тошкент Халқаро Электр
Алоқа Марказининг жамоаси
ТХЗАМ бошлиғи М. Қ. Дала-
боевга падаири бузуқвории
Кодиржон
ДАДАБОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия изҳор қи-
лади.

«Тошхажармевасабзавот-
саноат» бирлашмаси жамоа-
си бирлашма раисининг би-
ринчи ўринбосари
Абдулхак Муталович
КАЮМЖОНОВНИНГ
бевақт вафот этганлигини чу-
қур қайғу билан билдириб,
марҳумнинг оила аъзоларига
таъзия изҳор қилади.

Минг бир касб ОПҚИШ ОЛГАН УСТАЛАР

Зухриддин урта мактаб-ни тугатиш арафасида мус-тақил меҳнат қилиш орзуси билан юрганли. Ёш йигит-нинг эзгу мақсадлар сари интилаётганини отаси сези-пти, уни ўз олдига чақирди.

— Мана 30 йилдан бери сартарошлик касби билан оила боқаяпман. Кам бу-лаётганим йўқ. Рузгоримиз бут. Энг асосийси элнинг раҳмат ва ташаккурини олаётган. Шунинг учун кас-бимни сен ҳам давом эт-тирсанг, мен ҳам, онанг ҳам рози бўлардик.

— Мен ҳам шуни ўйлаб юрган эдим, адажон. Ёнин-гизда бўлиб анчагина ку-зим пишиб, устара, маши-на ушлаш, уни тутиш, иш-латиш, саклашни урганиб олганман. Сиз ҳам рози бу-либ «оқ фотиҳа» берсангиз девдим.

Бу жавобни эшитган ота ва она уғилларидан хурсанд бўлиб кетишди. Ахир бе-корга от изини той босар демаганлар-ку!..

Уша 1955 йилнинг ўзиди устасартарош ўғли Зухрид-динга оқ фотиҳа бериб, ишига ривож тилади. Ишга киришга кетган сулола да-вомчиси тез кунда қўлгина миқозларни мамнун эта бошлади. Самарқанд дар-боза қуясига жойлашган мактаб рўпарасидаги сар-тарошхонада Зухриддин

Муҳиддинов сидқидилдан хизмат қилди. Шу даврда Учқун, Эшонгузар, Сузик ота, Чўқур кўприк каби ма-ҳаллаларда истиқомат қи-лувчи юзлаб миқозлар хиз-матида бўлди.

Ҳадемай Зухриддиннинг шу касбда меҳнат қилаёт-ганига 40 йил тўлади. «Кат-табоғ» маҳалласидан чиқ-қан Муҳиддиновлар суло-ласининг кенжатоий Зух-риддиннинг ўғли Хусниддин ҳам бува, ота касбига қўл урганига ҳам 17 йил бўлди. Хусниддин 2512-автокор-хона қошидаги сартарош-хонада ишлаб ўнлаб, юз-лаб автокорхона ходимла-рининг ҳамда шу атрофда-ги Оқтепа, А. Тожиев, «Пах-такор» маҳалласи аҳлининг ташаккурига сазовор бўл-моқда.

— Хизматни урнига қўйиб бажарсангиз, ҳар қандай миқоз сиздан нарига кет-майди, — дейди моҳир уста Зухриддин Мавлонов. — Ҳеч қачон уларга фалон сўм бе-расан деган эмасмиз. Ро-зиллик билан берилган ҳақ баракали бўлади. Шунинг учун тирикчилигимиз ҳар то-мондан бекаму куст утаёт-пти. Режалар ҳам кунгилда-гидек. Қўнчилиқнинг дил та-шаққури бизни доимо озо-далликка, покизаликка, ҳуш-муомалаликка ундайди.

Омон САЙДАМИНОВ,
муаллим.

Футбол ТЕНГМА-ТЕНГ КУРАШИШДИ

Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича ўтказилган «Малайзия мустақиллиги Кў-боғи» няхосига етди. Унда иштирок этган миллий терма жамоамиз ҳам номдор Евро-па терма жамоалари билан тенгма-тенг кураш олиб бор-ди. 12-Осбей ўйинларида фут-болчиларимиз эришган тари-хий ғалаба футболчиларимиз оламга танитган бўлса, ик-кинчи томондан унга катта масъулият ҳам юкланди. Энди рақиб жамоалари футболчи-ларимизга қарши жиддий тайёргарлик билан майдонга тушмоқдалар. Терма жамоа-миз илк учрашувни венгер-лар билан ўтказди. Венгрия таркибидидаги ўйинчиларнинг 7 нафари миллий, 4 нафари Олимпия терма жамоалари-нинг аъзолари эди. 12-Осбей ўйинларида қатнашган жа-моамиздан таркиб жихатдан тўздан фарқ бўлишига қара-май йигитларимиз барча кур-сатмаларни аниқ бажаришиб, жуда чиройли, ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Ойбек Ус-монхўжаев ва Нуъмон Ҳасан-новлар киритган тўплардан сўнг улар иккинчи тайм бо-шида олдинга чиқиб олиш-ганди. Учрашув тугашига бир дақиқа қолгандагина венгер-лар ғалаба тўпини киритишга муваффақ бўлишди. Иккинчи баҳсда футболчиларимизга сўнгги жаҳон чемпионати сов-риндори — Болгария терма жамоаси рубару келди. Майдонда шундай донгдор рақибдан қўнчилиқ ҳаракат қилган йигитларимизнинг ик-кинчи бўлимида устунликлари сезилди. Фақат дарвозабон Михайловичнинг маҳорати бол-гарларни мағлубиятдан сақ-лаб қолди. Учрашувда ҳисоб очилмади.

Шундай қилиб, терма жа-моамиз Оверупа, қаллаверса, жаҳоннинг энг кучли жамоа-ларига қарши тул суриб, улар билан тенгма-тенг ўйин на-мойиш этишди. Гарчи жамоа-миз кейинги босқичга чиқа олмаган бўлса-да, эришилган натижа кўнчилиқ таскин бера-ди. Чўчки, девяли синов (эк-спериментал) таркибда тўп су-риб, чиройли ўйин кўрсатиш, албатта мақтовга лойиқ.

Энди гуруҳлардаги учра-шувлар натижаларини эъти-борингизга ҳавола қиламиз: Малайзия — Корея — 2:1, Уз-бекистон — Венгрия — 2:3, Ко-рея — Ироқ — 2:2, Болгария — Ўзбекистон — 0:0, Ироқ — Ма-лайзия — 2:1, Венгрия — Бол-гария — 0:0.

Ярим финал: Венгрия — Ма-лайзия — 2:0, Ироқ — Болга-рия — 1:0. Финалда Ироқ ва Венгрия жамоалари учраш-дилар.

Баҳодир ҲАСАНОВ,
Икром ҚУРБОНАЛИЕВ.

Рустам Матмуродовнинг ҳаётида тўғриси бундай воқеа бўлма-ганди. Угри, талончи босқинчилар билан кўп бор тўқнашган. Аммо бугунгиси жуда бошқача кечди.

Тошкент шаҳрида кейинги вақтда такси ҳайдовчиларига нисба-тан қилинаётган босқинчиликлар ҳақида кўпчилик эшитган албат-та. Афсуслар бўлсинки, орамизда ўзгалар меҳнати эвазига кун кечирини истовчилар ҳам йўқ эмас. Тошкент шаҳар ИИББ раҳба-рийти кўпчиликни безовта қилаётган бундай ноҳушликларнинг олдини олиш ва тугатиш борасида махсус «Такси» тадбирини ишлаб чиқди. Уни ўтказиш давомида қўзланган натижаларга эри-шилди.

Милиция лейтенанти Р. Матмуродовнинг ички ишлар идорала-рида ишлаётганига ҳали унча кўп вақт бўлганича йўқ. Лекин шу қисқа фурсат давомида жамоада ўз обрусига эга бўлди. Хизмат бурчиға виждонан ёндашди. Ишнинг кўзини билади. Шу фазилат-лари учун ҳам жамоадагилар уни ҳурмат қилишади.

Шу йилнинг июль кунларидан бирида у ўз экипажи билан Ҳамза туманидаги хонадонларнинг бирига қўшнилари тинчлигини бузаёт-ган фуқаронинг иши бўйича бораётганди. Машинани уй олдиға қўйиб хонадонға чиқишди. Қўшнилари кўпчилиқнинг кучи билан безори қўшини «тиңчитишган» экан. Ораға қайтишганда нога-хон қўтилимаган воқеа юз берди. Иккита йигит шошиб-пишиб



уларнинг внидан утиб кетди. Шу чоғ Рустамнинг кўнглидан «Бу йигитларни текшириб кўриш керак, алламоҳалда нима қилиб юри-шибди», деган ҳавёллар ўтди. Уларға уғрилиши билан йигитлар тезлашиб ҳар томонға қараб қоча бошлашди. Шу пайт фуқаро қийиндағи ички ишлар ҳодимлари ҳам етиб келишди. Биргала-шиб икки йигитнинг кетига тушибди.

Ез ойи эмасми, йигитлар бир пасда йўқолиб қолдишди. У чорбоғ учун устрилган буталар орасини синичлаб қаради. Ҳеч ким йўқ. Қаерға кетган бўлишлари мумкин. Узоққа қўнчиолмайди. Баланд қаватли уйлардан бирида панох топишлари мумкин. Айнан шу фикри Рустамга жуда кўп келди. Беш қаватли уйлардан бирига кутарилиди. Кимнингдир ҳансираб тез-тез нафас олаётганлигини сезиб қолди. Шундай қилиб шериқлари билан талончини қўлга туширишди.

...Тошкент аэропортидан икки йигит такси ҳайдовчилардан бирига Ҳамза туманидаги Лисунов кўчасига олиб бориб қўйишни айтиб машинаға утиришди. Машина Саломатин кўчасига етиб келганда улардан бири ҳайдовчиға тўпқонга ўқатиб унинг внида-ги бор пули — 950 сўмин тортти олиб уларнинг кўп қаватли уйлар орасига уришди. Такси ҳайдовчиси бўлиб ўтган ҳодисадан эсан-кираб қолмасдан атрофдағиларни ёрдамға чақирди. Тadbирда хушёрлик билан иштирок этаётган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳодимлари бир пасда воқеа содир бўлган жойға етиб келиб босқинчиларни қўлга олишға киришди.

Тезкор ҳаракат бўлган ротаси гуруҳ сардори, милиция лейте-нанти Р. Матмуродовнинг йигитлари билан тезда жиноятчиларни қўлга олишға муваффақ бўлишди.

Шундай қилиб, тунда такси ҳайдовчисиға қилинган босқинчилик жиноятиға барҳам берилди. Жиноятчилар қилимшларига иқдор бўлишди. Улар ким дерсан? Ёш йигитлар — тоғни урса талқон қилгудек қўнлари бор. Аммо ҳалол меҳнат эвазига кун кечирини ҳаётдағи энг турли қадам эканлигини афтидан унутиб қўйишганға ўхшади...

Жиноятчиларни ушлашдағи касб маҳорати ва хизмат бурчиға айланди ёндашганлиғи учун ҳодимларға Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Э. Н. Норгитовнинг буйруғи билан ташаккурнома эълон қилинди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот гуруҳи
нозир.

СУРАТДА: Р. Матмуродов (ўнгдан биринчи) ҳамкасблари билан
булғуси тadbирға отланмоқда.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиғи

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида
руйхатта олнган.
Рўйхат сони ~ 10.

Манзил:
700000, Тошкент шаҳри,
ГСП, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефон:
хатлар — 33-29-70;
ялон ва тижорат хабарларини
қўйиш — 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат
хабарлари аниқ ва
ифолини учун қаб-
ларини қўйиш ва шарт-
лиқларини билан
қўйиш.

Нашри етказиб бериш маса-
лалари бўйича турар жойла-
даги почта бўлимида ёки
«Тошкент почтаси» шаҳар поч-
та қорхонасининг фойдаланиш
бўлимига ~ 33-74-05 телефо-
нига мурожаат қилишнинг
мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табок.
Офсет усулда чоп этилади.
Қороз бичими - А-2.
Газета IBM компьютерида
терида ва саҳифаланиди.
Нашр қўрсатқичи - 64690.

«Шарқ» нафийт-матбаа концерни
босмажонаси. Қорзона манзил:
«Буюк Шўрон» кўчаси, 41-уй.